



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 17 » noyabr

№ 692

Toshkent sh.

Харбий тарихни ўрганиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Миллий давлатчилигимиз вужудга келиши ва тараққий топган даврларда ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар шон-шухратини тарихий далиллар асосида замондошлар онги-хотирасида мустаҳкамлаш ва имкон қадар кенг оммага, айниқса, ёш авлодга етказиш, уларнинг дунёқарашлари, қалбларида миллий қадриятлар руҳи, миллат тамаддунига дахлдорлик, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк саркардаларимиз мерос қилиб қолдирган бой жанг санъати сирларини ўрганиш, бу борада илмий-оммабоп, бадиий, ўқув-услубий адабиётларни, шу жумладан мультимедиа имкониятларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ва Фанлар академиясининг Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти муассислигида:

“Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотини (кейинги ўринларда – Жамият) ташкил этиш;

“Аждодлар изидан” илмий-оммабоп журналинини таъсис этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Жамиятни бошқариш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири раислик қиладиган Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади;

Кузатув кенгаши ва Жамият аъзолари фаолиятларини жамоатчилик асосида олиб боради;

Кузатув кенгаши йиғилишлари, қоида тариқасида, ҳар йили камида икки мартаба ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти раҳбари – Кузатув кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, фавқулодда вазиятлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Миллий гвардияси кўмондони, маданият вазири ва Фанлар академияси президенти Кузатув кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланади, шунингдек, фан, таълим, тарих, ҳарбий соҳада илмий ва амалий

тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган фуқаролар, шу жумладан, ҳарбий пенсионерлар ихтиёрий асосда Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин.

3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланганлиги инобатга олинсин:

махсус тузилган қидирув гуруҳлари ва экспедицияларининг саъй-ҳаракатлари билан қадим ўтмишда, ўрта асрларда, яқин тарихда Ўзбекистон ҳудудида, шунингдек, унинг чегаралари ташқарисида бўлиб ўтган ҳарбий-тарихий аҳамиятга эга тарихий ҳужжатлар ва воқеалар тавсиф-баёнини тўплаш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

ушбу ҳудудда яшаган, миллат озодлиги ва мустақиллиги учун босқинчиларга қарши курашиб, қаҳрамонлик кўрсатган ҳарбий саркардалар, раҳбарлар, қабила ва халқ етакчилари, йўлбошчиларининг фаолиятини ўрганиш;

белгиланган тартибда юртимиздаги музей, кутубхона ва архивларда, шу жумладан, хорижий давлатлардаги шу каби муассасаларда илмий-тадқиқот ва қидирув ишларини олиб бориш;

таниқли олимлар, тарихчилар, археологлар, мутахассисларни жалб қилган ҳолда йиғилган маълумотларни тизимлаштириш;

ҳарбий юришлар, миллий озодлик учун олиб борилган кураш жараёнларининг иштирокчилари ва уларнинг йўлбошчилари томонидан қўлланилган стратегия ва жанг қилиш усулларини матнли ҳамда график тавсифларда акс эттирган тарзда Ўзбекистон тарихида юз берган ҳарбий-тарихий воқеалар харитасини тузиш;

Ўзбекистонда юз берган ҳарбий-тарихий воқеалар харитаси асосида ҳудудларда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда кўнгиллиларни жалб қилган ҳолда ҳарбий-тарихий маданий мерос объектларини ўрганишни ташкиллаштириш, келгусида хорижлик меҳмонлар, маҳаллий аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун экскурсиялар уюштириш мақсадида тарихий воқеалар лавҳалари акс эттирилган ёдгорлик, ёдгорликлар ва музей мажмуалари лойиҳаларини тузишда кўмаклашиш.

4. “Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти фаолиятини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

а) Жамият фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида “Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамиятини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) тузилиши;

б) Жамғарма қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилиши:

ҳар йили 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Маданият вазирлигининг ҳар бири томонидан бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчилик

ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 500 баробари эквиваленти миқдорида ажратиладиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳарбий-маъмурий секторларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилган ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланиши;

г) Жамият фаолиятида бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг юқори илмий салоҳиятга эга мутахассислари ҳам иштирок этиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистоннинг ҳарбий тарихини оммалаштириш, ватанпарварликни тарғиб этиш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш мақсадида музейларда ҳарбий тарих мавзуларини кенг ёритиш, шунингдек, театрларда спектакль ва сахна асарларини яратиш ва мунтазам равишда намойиш этиш ишларини йўлга қўйсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фанлар академияси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан мунтазам равишда тарихий, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларига оид бадиий, илмий-оммабоп нашрларнинг чоп этилишига кўмаклашиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ёшлар ва ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик, садоқат ҳамда фидойилик туйғуларини шакллантиришга қаратилган, шонли тарихимиз, буюк саркардаларимизнинг таржимаи ҳоли, мардонавор курашлари, ҳарбий санъати, саркардалик маҳорати, қаҳрамонликларини акс эттирувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар, сериаллар, мультфильмлар яратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Жамиятнинг 2022 йилдан бошлаб илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида лойиҳаларни амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритилишини ва илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ танловлар асосида Жамият илмий лойиҳаларини молиялаштиришга белгиланган тартибда маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Жамиятнинг ҳарбий тарих бўйича илмий-тадқиқот ва қидирув ишларини ташкиллаштиришда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан илмий ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик аскарларнинг хорижий давлатлар ҳудудидаги қабрлари ва уларнинг ҳолати ҳақида маълумотларни шакллантирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги уч ой муддатда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик аскарларнинг хорижий давлатлар ҳудудидаги қабрларини ватандошларимиз зиёрат қилишларини назарда тутган ҳолда сайёҳлик йўналишларини (маршрутларини) ишлаб чиқиш чораларини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки йил муддатда тарихий ҳамда расмий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий тарихи энциклопедиясини нашрга тайёрлаш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳарбий-тарихий маданий мерос объектларини сақлаш, тиклаш борасида, тарихий тадқиқотларни ривожлантиришда, аҳолини, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишларда Жамият фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватласин.

14. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Қарши шаҳридаги “Ватанпарварлар” боғида жойлашган “Ватан мудофааси тарихи” музейи экспозициясини “Амир Темури ва Тўхтамишхон жанги” панорамаси тарзида қуриш ишларини 2022 йил 1 майга қадар якунласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Б.Н. Курбанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” ноябрдаги 692 сон қарорига
илова

**“Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти фаолиятини ташкил этиш бўйича
“йўл харитаси”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
1.	“Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамият тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	Низом лойиҳаси	2022 йил февраль	-	Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси
2.	Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари раҳбарлигида Куролли Кучларнинг нуфузли фахрийлари, олимлар, тадқиқотчилар, маданият ва санъат ходимлари, бошқа жамоат арбоблари, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг вакиллари, ёшлар ташкилотлари фаоллари ва кўнгилчиларни жалб қилган ҳолда “Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамиятининг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш.	Худудий ишчи гуруҳларни ташкил этиш	2022 йил февраль	-	Мудофаа вазирлиги, Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳудудий бошқармалари бошлиқлари.
3.	Ахборот-қидирув ишларини таъминлаш учун “Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамиятининг веб-сайтини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил апрель	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан	Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фанлар академияси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
4.	Хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда Қарши шаҳридаги “Ватанпарварлар” боғида жойлашган “Ватан мудофааси тарихи” музейи замонавий панорама услубида музей экспозициясини барпо қилиш ва фойдаланиш учун топшириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил май	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги маҳаллий бюджетлари ҳисобидан	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
5.	Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” роман-эпопеяси асосида режиссёр Ҳилол Насимов билан биргаликда ёзилган “Буюк Амир Темур” сценарийси асосида Шаҳрисабз Давлат музейи кўрикхонаси бош директори тарих фанлари номзоди Наби Олимович Хушваков, режиссёр Сергей Валентинович Русаков ва Россия ёзувчилар уюшмаси аъзоси Дмитрий Валентинович Агалаковлар томонидан ёзилган “Кеш шери” номли бадиий фильм сценарийси, Темуршунос олим ва публицист ёзувчи Жумабой Рахимовнинг “Адолат ва қудрат тимсоли”, “Жалолиддин Мангуберди Ватаннинг шерюрак баҳодир”, “Коинотга талпинган ҳукмдор”, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги илмий-оммабоп китоб-альбомлари ўрганиб чиқилиб кўшма лойиҳа асосида “Ватан” киностудияси базасида кўп қисмли тарихий киноэпопея (киносериал)ни яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йилдан режага кўра	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан	Кинематография агентлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги
6.	Ҳарбий тарихий воқеалар юз берган жойларда, ушбу тарихий воқеа содир бўлган саналарда ёшлар жамоат ташкилотлари, ҳарбий хизматчилар, маҳаллий аҳоли ва кўнгиллиларни жалб қилган ҳолда тарихий воқеликни қайта тиклаш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, фестиваллар, кўргазмалар ташкил қилиш ишларини амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йилдан режага кўра	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан	Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Кинематография агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
7.	<p>Россиянинг Самара вилоятидаги Кодурча воҳасида маҳаллий ўлкашунослар томонидан буюк ҳарбий саркарда Амир Темурга бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик тоши ўрнида Амир Темур ва унинг ҳарбий саркардалари ифодаланган композицион ҳайкал ўрнатиш бўйича кўрик-танлов эълон қилиш ҳамда танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган ҳайкал мажмуасини ўрнатиш юзасидан Россия Ташқи ишлар вазирлиги ва Маданият вазирлиги билан меморандум тузиш ишларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси жанговар ордени соҳиблари туғилиб ўсган ёки истиқомат қилаётган жойларда маҳаллий кўнгилчилар томонидан эсдалик лавҳалари, ёдгорлик тошларини ўрнатиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2021-2023 йиллар	<p>Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан</p>	<p>Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадий академия, Кинематография агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги</p>
8.	<p>Ўзбекистоннинг ҳарбий тарихига оид миллий давлатчилигимиз вужудга келиши ва тараққий топган даврларда ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларимизнинг ҳарбий салоҳияти ҳамда жанг қилиш санъатини ҳикоя қилувчи асарлар, ҳикоялар, мақолаларни “Аждодлар изидан” илмий-оммабоп журналида мунтазам чоп этиб бориш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	доимо	<p>Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан</p>	“Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти
9.	<p>Амир Темур изидан, Жалолиддин изидан, Бобур изидан каби мавзуларда халқаро илмий, маърифий экспедициялар ташкил этиш, хорижий давлатларда сақланиб қолган географик ва тарихий ҳудудларда эсдалик тошлари, ёдгорликлар ва ҳайкаллар яратиш борасида таклифларни ишлаб чиқиш, туристик сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> 	доимо	<p>Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан</p>	<p>Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Бадий академия, Кинематография агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги</p>